

Молия-иқтисодиёт бош бошқармаси



Молия - иқтисодиёт бош бошқармаси

Қулжонов Фарход Бердиёвич

в.в.б. Бошқарма бошлиғи

+998 71 207-67-68 (114)

+998 71 239-14-06

m.gapparov@uzavtoyul.uz

Тошкент шаҳар 100000, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй

Молия-иқтисодиёт Бош бошқармасининг асосий функция ва вазифалари

- Республика йўл хўжалиги тармоғининг иқтисодий самарадорлиги, молиявий ахволи, ишлаб чиқариш резервларидан тўлиқ фойдаланиши, асосий фондларнинг самарадорлигини оширилиши борасида мониторинг олиб бориш;
- Кўмита марказий аппаратида молиявий-иқтисодий масалаларни ташкил этиш;
- Кўмитанинг ривожланиш истиқболларини белгиловчи параметрлар лойиҳасини тайёрлаш;
- Кўмита бошқарувининг топшириқлари ва қўрсатмаларига асосан, Бош бошқармага тегишли Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан юборилган хужжатлар билан ишлаш;
- Тизимдаги йўл хўжалиги ташкилотларидан статистик маълумотларни йиғиши, молиявий-иқтисодий фаолиятлари бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни белгиланган тартибда қабул қилишда қатнашиш, жамлаш ва тегишли идораларга тақдим этиш;
- Тизимдаги йўл хўжалиги ташкилотларида меҳнатнинг ташкил этилиши, иш ҳақи тўловлари, бошқарув аппарати ходимларини сақлаш ҳаражатлари, штатлар жадвали юритилишини ўрганиш, таҳлил этиш;
- Кўмита марказий аппаратини сақлаш ҳаражатлари сметасини ишлаб чиқиш;
- Тизимдаги йўл хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий таҳлилини, тезкор маълумотларни тайёрлаш;
- Йирик саноат ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига тегишли ҳисоботларни жамлаш, таҳлил қилиш, уларни ишлаб чиқариш прогнозлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш;

- Қўмита корхона ва ташкилотларида янги иш ўринларини яратиш манзилли дастурларини ишлаб чиқишида қатнашиш, тизимда яратилган янги иш ўринлари бўйича ҳисоботларни жамлаш, таҳлил қилиш, таклифлар тайёрлаш;
- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳавий дастурларини шакллантириш, келишиш, тасдиқлаш, ҳамда мониторингини олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари, вазирлик ва идоралар (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқалар) билан ҳамкорликда Бош бошқарма фаолиятига оид ишларни ташкил этилишини таъминлаш, ҳамда зарурий кўрсаткичлар бўйича мониторинг олиб бориш.

[Низомни юклаб олиш \(pdf, 266 kb\)](#)